

# Қарз беришда қайтариш муддатини белгилашнинг шаръий ҳукми

05:00 / 19.01.2017 6591

## Кириш

Инсон ҳаётида қарз олди-бердиси энг аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай инсон ҳаётда яшар экан, қарз олди-бердисини бошидан кечирмай иложи йўқ. Ана шу ижтимоий муомала ислом динида ҳам ўзининг шаръий ҳукмлари, фатволари билан муҳим аҳамият касб қилган. Чунки, айнан мана шу қарз-олди бердиси тўғри шакллантирилмас экан, шариатда мутлақ ҳаром деб эълон қилинган рибо – судхўрлик балосига мубтало бўлиб қолиш ёки энг савобли амаллардан бири ҳисобланган садақадан кўра неча баробар ортиқроқ ажрга эга бўлиш ҳеч гап эмас. Бинобарин, ушбу муомаланинг шаръий ҳукмини тўлиқ ва мукамал, муфассал равишда билиб олиш – қарз олди-бердиси илмини билиш ҳар бир мусулмон инсонга фарз бўлади, десак хато бўлмас.

Арзимаган миқдорда қарз олди-бердиси амалга оширилганда, икки томоннинг ҳам муддатни ҳисобга олмаслиги мумкин. Аммо, катта миқдордаги қарзлар битимида қарзни қайтариш муддатини ҳам алоҳида қайд қилиб қўйишга эҳтиёж борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда қарз олди-бердисида муддат белгилаш шу даражада оммалашиб кетганки, қарз битимида қайтариш муддати аниқ кўрсатилмаса, ҳеч ким бировга қарз бермайдиган ҳолат юзага келган. Зотан, кимдан қарз сўралса, унинг биринчи бўлиб берадиган саволи: "Қачон қайтарасиз?!", деган савол бўлиши табиий.

Лекин, ҳалқ орасида "Қарз беришда қайтариш муддатини белгилаш – молни ўз мислига, яъни, ўз жинсидан бўлган худди шундай молга насиа йўли билан сотишдир. Бу эса, судхўрликка киради. Хуллас, қарз беришда қайтариш вақтини тайинлаш, муҳлатини белгилаш рибо – судхўрликдир!", деган гаплар ҳам пайдо бўлиб қоляпти.

Юқоридагига ўхшаш гапларни ҳисобга оладиган бўлсак, "қарз олди-бердиси" амалиёти ижтимоий муомаладан буткул чиқиб кетишига сабаб бўлади. Ахир, савоб умидида бировга қарз бериб, фоизли савдога тушиб

қолиш, алалоқибат гуноҳкор бўлиб қолишнинг кимга кераги бор?!

Демак, ҳар бир қарз берувчи ва қарз олувчи кимса қарз олди-бердиси муомаласида олинган қарзни қайтариб бериш муҳлатини белгилаш, берилган қарзга қайтариб олиш муддатини таъйинлашнинг шаръий ҳукмини билиши ҳам керак бўлади. Ушбу мақолада мазкур масалани атрофлича ўрганиш мақсадида ҳанафийлик фикҳининг энг эътиборли манбаларига мурожаат қилиб кўрамиз.

## **"Қарз" ва "Дайн" атамалари фарқи**

Аввало, "қарз" билан "дайн"ни бир-биридан ажратиб олиш лозим. Фикҳий истилоҳда уларнинг фарқи бор.

Одамлар одатда қарз билан дайинни ажратмайдилар, балки, ҳаммасини "қарз" деб аташга одатланганлар. Муомала жараёнида бу иккисининг фарқи бўлмаса-да, аммо, аслида уларнинг орасида фарқ мавжуд. Инсон зиммасидаги ҳамма қарзни "дайн" дейиш мумкин. Аммо, ҳамма дайинни "қарз" деб аталмайди. Демак, "дайн" атамаси маъно англатиш жиҳатидан "қарз" атамасига нисбатан умумийроқдир. Бўйнида "дайн"и бор одамни шариат китобларида "мадйун" деб аталади. Ҳанафийлар фикҳи истилоҳига бағишланган машҳур "ал-Муғриб" асарида "дайн" сўзи ўзагидан олинган "истаданту" (تندتسا) феълини "истақразту" (تضرقتسا), "даййантуху" (هتند)ни эса "ақразтуху" (هتضرقا) маъносида қўлланишини айтилган (Абу-л-Фатҳ Носириддин ал-Мутарризий. Ал-Муғриб фий тартиб ал-Мўъриб. – Ҳалаб, 1979. 1-жилд. – Б. 301). Демак, "ал-Муғриб"дан "дайн" атамаси луғатда "қарз" маъносида ишлатилиши мумкинлигини билиб оламиз. Аммо, унда "қарз" атамасига изоҳ берилар экан, инсон ўз молидан нақд – муайян нарсани сўраганга бериши "қарз" экани, у инсоннинг бўйнига лозим бўладиган "дайн"дан фарқ қилиши таъкидланган (Абу-л-Фатҳ Носириддин ал-Мутарризий. Ал-Муғриб фий тартиб ал-Мўъриб. – Ҳалаб, 1979. 2-жилд. – Б. 169).

"Дайн" деб инсон қай йўл билан бўлса-да, бўйнига илиб олган, тўлаши лозим бўлган нарсаларга айтилади. Оддий мисол: насияга мол сотиб олдингиз, шу савдода бўйнингизга илинган пул "дайн", дейилади.

Бировнинг уйини ижарага олдингиз, аммо, ижара пулини вақтида тўламадингиз, бўйнингиздаги бу пулни шариатда "дайн", дейилади. Бировнинг молини ҳалок қилдингиз, уни тўлаш бўйнингизга тушди, демак, бу ҳам "дайн"дир. Уйланиб, аёлингизга бериш керак бўлган маҳрни насиё қилдингиз, буни ҳам "дайн", дейдилар. Бировдан қарзга пул олдингиз, буни ҳам "дайн", дейилади.

"Дайн"да маълум муддат таъйин қилишлик лозимдир. Чунки, номаълум муддат икки томонни жанжалга олиб бориши табиий ҳол. Насиё муомалотларда жанжалнинг олдини олиш учун икки томон келишган ҳолда муайян аниқ муддатга келишиб оладилар.

Мол эгаси, яъни, ҳақдор "дайн"ни дайндордан келишилган муддатга қадар талаб қила олмайди. Муддатдан олдин пулни талаб қилиб олиши, битимни бузиш, ваъдада турмаслик ҳисобланади. Агар у муддатдан олдин "дайн"ни талаб қилса, дайндор муддатга қадар бермасликка шаръан ҳақли ҳисобланади. Ҳақдор дайндорнинг молиявий ҳолини ҳисобга олиб иш қилиши савобли амалдир. Дайндор бўйнидаги "дайн"ини вақтида тўлай олмасдан яна бироз муҳлат сўраса, муҳлат беришлик керак. Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: "Фақир қарздорга қарзини тўлаши учун қулайлик кўрсатган кишига ҳар куни шу қарз миқдорича садақа савоби ёзилади" (Имом Аҳмад ривояти). Ўз навбатида дайндорнинг ҳам инсофсизлик қилиши, қарзини тўлаш йўлида ҳаракат қилмай бепарво юриши катта гуноҳдир. Бу ҳақида насиҳатгўй Пайғамбаримиз алайҳиссалом қуйидагича марҳамат қилганлар: "Ҳар қандай киши имкони бўлгани ҳолда қарзни тўламай кечиктирса, (қарзини тўлагунгача) ҳар куни амал дафтарига зулм қилганнинг гуноҳи ёзилади" (Табароний ривояти).

"Қарз" деб, муҳтож киши бошқа бировдан, кейинроқ мисли, яъни ўхшашини қайтараман, деган ваъда билан сўраб олган нарсага айтилади. Шариати исломия қарз олди-бердисини ҳам бир қанча шартлар билан тартибга солган:

1- Қарз, қарз берувчи тарафдан яхшилик, табарруъ, фазл ва эҳсон деб баҳоланади. Шундай экан, қарз берувчи аҳли табарруъ бўлиши шарт. Яъни, қўлида мол-мулки бор одам ўз мулкани бировга беришига ҳақли бўла оладиган ёшда, ақл-ҳуши жойида, озод инсон бўлмоғи керак. Демак, ёш бола, васий, мукотаб каби қулларнинг қарз беришга ҳақлари йўқ. Чунки, улар ўзларидаги молни тасарруф қилиши, сотиши, ижарага бериши мумкин бўлмаганидек, ўз ихтиёрлари ила табарруъ қилиб,

бирова яхшилик қилишга рухсат берилмайди.

2- Қабз, яъни, қарз сўровчига қарз берилса, уни айна дамда қабул қилиб олиши шарт. Агар ўша вақтда олмаса қарз битими ҳисобга ўтмайди.

3- Қарз фақат мисли, яъни, ўхшаши бор нарсалардагина дуруст бўлади. Олтин-кумуш тангалар, қоғоз пуллар, тарозу ва идишда ўлчанадиган нарсалар каби. Аммо, мисли йўқ нарсаларни қарзга олиш ва бериш дуруст эмас. Масалан, ҳайвонларни қарзга берилмайди, чунки, унинг худди ўзи каби мислини топиб қайтариш маҳол. Шунингдек, ҳайвонларнинг аниқ баҳоси ҳам йўқ, чунки, уни ҳар ким ҳар хил баҳолайди. Шундай экан, қийматини ҳам қайтариш маҳол.

4- Қарз берувчи қарз беришда бирор манфаатни – фойдани шарт қилиши мумкин эмас. Фақиҳлар: "Ҳар бир қарз қарз берувчига манфаат келтирса, бас, у ҳаромдир", деганлар. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам алоҳида ҳадиси шарифлари мавжуд.

Фикҳий манбаларда манфаатларни қуйидагича санаб ўтилган:

а) Қарз берувчи бераётган нарсасини кўпроқ қилиб қайтаришини шарт қилиши ҳаром. Масалан: 10 динорни 12 динор қилиб қайтариш. Ортиқча икки динор қарз рибоси бўлади.

б) Қарз берувчи бераётган нарсасини яхшироқ-сифатлироқ қилиб қайтаришни шарт қилиши ҳаром. Масалан: паст навли маҳсулотни қарз бериб, олий нав қайтаришни шарт қилиш ҳаром. Молнинг олий навга ўзгариши қарз рибоси бўлади.

в) Қарз беришда бирон-бир хизматни шарт қилиш ҳаром. Масалан: фалон ишимни бепул қилиб берасиз ёки фалон молимни сотиб оласиз ва хоказо. Текинга қилдирилган меҳнат манфаати ёки мажбуран амалган оширилган савдо фойдаси қарз рибоси бўлади.

г) Қарз берувчи бераётган қарзни маълум бир маконда қайтаришни шарт қилиши ҳаром. Масалан: Россияда қарз бериб туриб, Ўзбекистонда қайтарасиз, деб шарт қўйиши ҳаром. Йўлдаги молга бўлган хавф-хатардан қутулиб қолиш манфаати қарз берувчига қарз рибоси бўлади.

Фикҳий китобларда қарз рибосига кирувчи манфаатлар баёнида юқорида санаб ўтилган манфаатларнинг рибо экани таъкидланган.

Шунингдек, уларнинг тўрт мазҳаблараро би-л-иттифоқ ҳаром экани айтилган.

Шундай бўлсада, қарз олди-бердисида манфаат шарт қилинмасдан, кейинчалик қарз олувчи ўз ихтиёри билан ортиқча мол қўшиб қайтарса, бунинг қарз берувчига зиёни йўқ, рибо ҳам, гуноҳ ҳам эмас, мубоҳ дейилган.

### **Қарзда муҳлат белгилаш-белгиламаслик ҳукми**

Ислом фикҳини ўрганиш шуни кўрсатадики, қарз бераётган вақтда ёки бергандан сўнг олинган қарзни берувчига қайтариб бериш вақтини аниқ белгилаш, муддат ва муҳлат беришнинг ҳукми борасида фақиҳлар асосан иккита мазҳабга ажралганлар (ал-Мавсуат ал-фикҳиййа. – Кувайт: Визорат ал-Авқоф ва-ш-Шуъун ал-исломия, 1995. 33-жилд. – Б. 128-130):

1) Жумҳур фақиҳлар жамоаси. Ҳанафийлар, шофиъийлар ва ҳанбалийлар, шунингдек, Имом ал-Авзоъий (р.х.) ва Ибн ал-Мунзир (р.х.) каби олимлар фикрича, қарзда муҳлат тайинланмайди. Агар муддат белгиланса ҳам ўша муддат лозим бўлиб қолмайди. Қарз берувчи белгиланган ўша муддатдан олдин қарзини сўрай олайди, ўша муддат келмасдан олдин қарз олувчи сўралган вақтнинг ўзидаёқ олган қарзини беришга мажбур. Бироқ, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) ва Имом аш-Шофиъий (р.х.) муҳлат белгиланса, қарз олувчи ўша муддатга амал қилиши яхши бўлади, деганлар. Чунки, аҳдга вафо қилиш мўъминлик белгиси эканига шубҳа йўқ. Агар қарзда муҳлат белгилаш жоиз бўлмасада, муддат белгиланадиган бўлса, ҳанафийлар ва ҳанбалийлар наздида қарз саҳиҳ, муддат шарт ботил ҳисобланади. Шофиъийлар фикрича, агар муҳлат белгиланганда қарз берувчига бошқа фойда келтирмайдиган бўлса, қарз саҳиҳ бўлади. Айтилган муддатга амал қилганлари мақбул.

2) Моликийларнинг ҳаммаси ҳамда Лайс ибн Саъд (р.х.), Ибн Ҳазм (р.х.), Ибн Таймия (р.х.) ва Ибн Қаййим (р.х.) каби фақиҳлар фикрича, қарзда муҳлат белгилаш саҳиҳдир. Улар фикрича, агар қарзда муддат белгиланса, ўша муддатга амал қилиш лозим бўлади. Муайян муддат келмагунча, қарз берувчи қарзини сўрай олмайди.

Айрим кимсалар Қуръони каримдаги энг узун оят – "Бақара сураси"нинг 282-ояти – "Мудойана ояти"даги қуйидаги хитобга кўра қарз олди-бердисиди муҳлат бўлиши керак, деб ўйлайдилар:

وَلَجَّ أَجَلٌ آتٍ لِّارِيْبِكَ وَأَارِيْغِ صُؤْبُتِكَ نَأْوُمِ اسَاتِ الْو

"Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг!" (Бақара, 282).

Билмоқ лозимки, бу оятда "дайн" ҳақида гап кетган бўлиб, олдинги ва кейинги даврнинг барча фақиҳлари "дайн"да муҳлат белгиланиши кераклигини бир овоздан айтиб келганлар. "Қарз"га муҳлат белгилаш ҳақида эса икки фикрга келганлар. Айтиб ўтилганидек, мазкур оятда зикр қилинган "дайн" таркибига қарз ҳам киришини эътиборга олиб, моликийлар қарзда ҳам муҳлат белгилашни мустаҳаб санаганлар. Мазкур ояти каримадаги амр мустаҳабликка далолат қилишини барча муфассирлар таъкидлаб келганларини ҳам айтиб ўтиш ўринли.

### **Қарзда муддат белгиламаслик масаласи**

Қарз олди-бердисиди қарзни қайтариб бериш муддатини тайинламаслик керак, муҳлат белгилаш дуруст эмас, ундай қилиш судхўрликка киради, деганга ўхшаш гапни гапирганларнинг ҳам суянган далиллари бор. Жумладан, улар ушбу гапларига далил сифатида фикҳий матн китобларидаги қуйидаги иборани келтиришлари мумкин:

1) "Мухтасар ал-Виқоя"да қуйидаги матн мавжуд:

ضرقلا ال ندي لك لي جأت حص و

"Ҳар бир "дайн"га муҳлат белгилаш дуруст, қарз бундан мустаснодир" (Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий. Мухтасар ал-Виқоя. – Қозон, 1911. – Б. 97).

2) "Канз ад-дақоик"да қуйидаги матн мавжуд:

ضرقلا ريغ ندي لك لي جأت ... حص و

"Қарздан бошқа ҳар бир "дайн"га муҳлат белгилаш дуруст!" (Абу-л-Баракот ан-Насафий. Канз ад-дақоик. – Бўмбай: Фатҳ ал-карим, 1305. – Б. 224).

3) "Мухтасар ал-Қудурий"да юқоридаги фикҳий матнларда келтирилган ибора анча тушунарлироқ:

حصي ال هل يجأت ناف ضرقل ال الجؤم راص هباحاص هلجأ اذا لاج نيد لك و

"Сўралганда берилиши керак бўлган ҳар бир "дайн" агар унга эгаси муҳлат белгиласа, муҳлат берилган "дайн"га айланади. Қарз эса бундан мустасно. Чунки, унга муҳлат белгилаш саҳиҳ бўлмайди" (Абу-л-Ҳасан Аҳмад ал-Қудурий. Мухтасар ал-Қудурий. – Қозон, 1916. – Б. 40).

Фикҳий матнлардаги юқоридаги иборалардан биз қарзда муддат белгилаш, қарзни қайтариб бериш муҳлатини аниқ белгилаб қўйиш дуруст эмаслигини билиб оламиз. Лекин, ушбу ибораларда мабодо қарзда муҳлат белгиласа, муддат тайинласа, қарз олди-бердисининг ҳукми нима бўлади, шу хилда қарз берадиганлар айна берган қарзи миқдоридеги пулни қайтариб олсалар, ортиқча нарса олмасалар ҳам рибо еган, судхўрлик қилган бўлиб қоладиларми, деган саволларга жавоб берилмаган.

### **Қарзда муҳлат белгилаш судхўрликми?**

Қарз олди-бердисиде қарзни қайтариб бериш муддатини тайинлаш, муҳлат белгилаш судхўрликка киради, деган гап фикҳий матнларга битилган қуйидаги айрим шарҳлардан олинган бўлиши мумкин:

1) Юртдошимиз, буюк фақиҳ Бурҳонуддин Марғилоний (р.х.) ислом оламида машҳуру маълум "ал-Ҳидоя" асарида ушбу масалани бундай баён қилганлар:

ال هل يجأت ناف (ضرقل ال انركذ ام الجؤم راص هباحاص هلجأ اذا نيد لك) ال و ،ةراعإلا ةظفلب حصي تحت ،ءادتإلا يف ةلص و ةراعإنال حصي ءاهتإنال يف ةضواعم و ،ىبصلال وىصولاك عربتلال كلمي ال نم هكلمي

ربح ال ذإ ،ةراعإلا يف امك هيف ليجأتال مزلي ال ءادتإنال رابتعإىلع مهادللا عيب ريصي هنأل ،حصي ال ءاهتإنال رابتعإىلع و.عربتلال يف

اب و و ، ةئيسن مهاردلاب

"Ҳар турли "дайн"ки, унинг соҳиби муддат белгиласа, насияга айланади, юқорида айтган сўзимизга биноан. Қарз эса бундан мустасно". Чунки, қарзга муддат белгилаш саҳиҳ бўлмайди. Негаки, қарз битими бошланишда орият (вақтинча фойдаланиш), холисона яхшиликдир, бинобарин, орият лафзлари билан ҳам амалга ошаверади. Бинобарин, табарруъга ҳақли бўлмаган васий, норасида бола кабилар қарз ишига ҳам ҳақли бўла олишмайди. Охирида эса муоваза – бир-бировага эваз қайтаришдир.

Қарзнинг аввалини эътиборга олсак, худди ориятдаги каби қарзда ҳам муддат белгилаш лозим бўлмайди. Зотан, яхшилик қилувчига мажбурият юкланмайди. Охирини эътиборга оладиган бўлсак, қарз олди-бердиси саҳиҳ бўлмайди. Чунки, у судхўрлик бўладиган насияга пулни пулга сотишга айланиб қолади" (Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ал-Ҳидоя. 2-жилд. – Деҳли: Форуқий, 1910. – Б. 60).

2) Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий (р.х.) "Шарҳ ал-Виқоя" китобида шу хилдаги гап ёзилган:

لجأ اب ريصي هإف ( ضرقلإ إلإجؤم ريصي مولعم لجأ لىلإجأ نيد لك )  
نم ريخ دقنلإ نال اب ريصي هأل، زوجي الف، ةئيسن مهاردلاب مهاردلاب عيب  
ةئيسنلإ

"(Ҳар бир "дайн"ки, маълум муддатга белгиланса, саҳиҳ бўлади, қарз бундан мустасно). Чунки, муддат билан қарз дирҳамларни дирҳамларга насия қилиб сотишга айланади. Бу эса жоиз бўлмайди, чунки, у рибога айланиб қолади. Зотан, нақд насиядан кўра яхшидир" (Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий. Шарҳ ал-Виқоя. 3-жилд. – Лакнав: Юсуфий, (йили кўрсатилмаган). – Б. 59).

## **Юқоридаги ибораларни қандай тушунмоқ керак?**

Юқоридаги ибораларга бир қарашда: "Қарз бераётганда фалон куни қайтарасиз", дейиш билан судхўрлик қилган бўлар экан, деган хулоса келиши табиий ҳол. Бироқ, ҳанафий фикҳида ёзилган бошқа шарҳ ва

хошияларни кўриб чиқилганда, масала яна ҳам ойдинлашади.

Мавлоно Абдулхай Лакнавий (р.х.) "ал-Ҳидоя" учун тўплаган хошиясида юқорида келтирилган *حصى ال هل يجأت نإف* "Қарзга муддат белгилаш саҳиҳ бўлмайди", деган иборани: "Яъни, лозим бўлмайди. Яъни, муддат белгилаган шахс хоҳлаган вақтида муддатни бекор қилиши мумкин", деб изоҳлаган (Абдулхай ал-Лакнавий. Ҳошият ал-Ҳидоя. 2-жилд. – Деҳли: Форуқий, 1910. – Б. 60).

Аслида, бу изоҳ "ал-Ҳидоя"нинг шарҳи "ал-Кифоя"дан олинган (Жалолиддин ал-Гурланий. Ал-Кифоя хошияту ал-Ҳидоя. 3-жилд. – Қозон, 1886. – Б. 80).

Бу дегани – муддат шарти қонуний кучга эга эмас, демакдир. Яъни, муддат белгилангани билан уни қарз берувчи бузиб, ўша муддатдан олдин берган қарзини сўраб олишга шаръий жиҳатдан ҳақли бўлади ва у сўраган вақтида қарз олган қарздор уни дарҳол тўлашга мажбурдир.

Шунингдек, Абдулхай Лакнавий (р.х.) яна "ал-Ҳидоя"да келтирилган:

*أبروه و، ءئيسن مهاردلأب مهاردلأ عيب ريصي هأل.*

"Чунки, у судхўрлик бўладиган насияга пулни пулга сотишга айланиб қолади", деган иборани бундай изоҳлаган: "Бу, қарзнинг бузуқлигини тақозо қилади, лекин уммат уни мандуб санаган. Уммат эса унинг жоизлигига ижмоъ қилган".

Бу ерда Абдулхай Лакнавий (р.х.) изоҳида диққат қаратиш лозим бўлган нукта мавжуд: фақиҳлар қарз олди-бердиси жараёнида кўрсатган охирги ҳолатни, яъни, муддат белгилаш қарзнинг рибога айланиб қолиши мумкинлиги ҳолатини шаръий эътиборга олмаслик даркор. Чунки, уни эътиборга олиш шариатда дуруст ва савобли ҳисобланган қарз олди-берди муомаласи амалиётдан чиқиб кетишга олиб келиши мумкин. Бу фикрни Абдулхай Лакнавийнинг "Шарҳ ал-Виқоя"га ёзган "Умдат ар-риоя"сига такмила ва таълиқа ҳисобланган "Зубдат ан-нихоя ли-Умдат ар-риоя"да бу тарзда ўқиш мумкин:

*ةرثكل هزواج ىلع ةمالا عمجا و هىلا عرشلا بدن نكل ضرقلأ داسف ىضتقي اذه و  
ام وه لىلدلا نم هللا هم حراشلا ركذام نا كىلع بهذى ال وهىلا ةجالحلا  
نىرابتعالا رخآ رابتعاب*

"Бу фарзнинг фасод бўлишини тақозо қилади. Бироқ, шариат уни мандуб санаган, уммат эса бунга ҳожат кўп бўлгани боис жоизлигига ижмоъ қилган. Шарҳ қилувчи ("Шарҳ ал-Виқоя" соҳиби) зикр қилган нарса – икки эътибордан охиргисини эътибор қилиш ҳақидаги далили сенинг зарарингга кетиб қолмасин" (Муҳаммад Абдулҳамид ал-Ансорий ал-Лакнавий. Зубдат ан-ниҳоя Шарҳ ал-Виқоя такмилату Умдат ар-риоя. 3-жилд. – Лакнав: Юсуфий, (йили кўрсатилмаган). – Б. 59).

"Зубдат ан-ниҳоя"даги иборадан маълум бўлмоқдаки, қарзга муддат белгилашнинг насия рибосига ўхшатилгани унинг ҳаром қилиниши жиҳатидан эмас, балки, рибога ўхшаш муомала бўлгани жиҳатидандир. Уни рибо каби ҳаром муомалага ўхшатиш тўғри эмаслигига "Жомеъ ар-румуз" соҳиби ҳам эътибор қаратган:

Юқорида келтирилган "Мухтасар ал-Виқоя"даги: **ال اني ذك لك ليجأت حص و** - "Ҳар бир "дайн"га муҳлат белгилаш дуруст, қарз бундан мустаснодир" ибораси "Жомеъ ар-румуз"да шарҳ қилинар экан, бундан дейилади:

**امك ةئيسننل ابر ري صيف ءهاتنا ءضوافم هنال مرح و حصي مل ه ليجأت ناف**  
**قباسل لصف لى ف هركذ نسح ال اف فنصم ل هركذ**

"Бас, унга муҳлат белгилаш саҳиҳ бўлмайди ва ҳаром бўлади. Чунки, қарз охирида топшириш бўлгани боис мусанниф зикр қилгани каби насия рибосига айланиб қолади. Яхшиси, уни муаллиф олдинги фаслда зикр қилганидир" (Шамсиддин ал-Қўҳистоний. Жомеъ ар-румуз. 3-жилд. – Қозон, 1902. – Б. 68).

Қарз олди-бердисида икки жиҳатдан биринчиси – холис яхшилик бўлишини эътиборга олиш керак бўлади. Унинг иккинчи жиҳати – эваз алмашишни эътиборга олмаслик даркор. Шунинг учун айрим манбаларда унинг икки жиҳатини ҳам холис яхшилик, дейилган. Бинобарин, муҳлат белгилашни саҳиҳ ва ҳаром бўлади, дейиш тўғри эмаслигини "Жомеъ ар-румуз" соҳиби бу тарзда таъкидлайди:

**نا حص ال اف هريغ و ءهال لى ف امك ءهاتنا و ءادتبا ءيراع هنال لى لع لى وع ل نا ال**  
**نا هل و مزلي ال هناف ضرقل ال اني ذك لك ليجأت مزلى نى عنم ل و مزلب حص لدبى**  
**ءاش لى تم هذخاى**

"Бироқ, ишончлиси шуки, қарз ибтидода ҳам, интиҳода ҳам орият ҳисобланади. Чунончи, ан-Ниҳоя" ва бошқа китобларда келган. Бас, тўғриси, "саҳҳа" сўзини "лазима"га ўзгартиришдир. Шунда: "Қарздан

ташқари ҳар бир "дайн"га муҳлат белгилаш лозим бўлади. Бас, қарзда лозим бўлмайди, қарз берганга қачон хоҳласа олиши жоиз бўлади", деган маъно ҳосил бўлади" (Шамсиддин ал-Қўҳистоний. Жомеъ ар-румуз. 3-жилд. – Қозон, 1902. – Б. 68-69).

Демак, "Жомеъ ар-румуз" соҳиби фикрича, "Мухтасар ал-Виқоя"даги ибора ва унга шарҳ ҳисобланувчи мусанниф Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий (р.х.) қаламига мансуб "Шарҳ ал-Виқоя"даги қарзнинг охирини рибога ўхшатиш ҳолати бўйича изоҳ тушунарсиз бўлиб қолган. Шунинг учун "саҳиҳ бўлади" сўзини "лозим бўлади"га ўзгартириш яхшироқ, дейди. "Ла йасиҳху" ("саҳиҳ бўлмайди")ни "ла йалзаму" ("лозим бўлмайди"), деб тушуниш кераклигини таниқли мутааххирин ҳанафий олими Абу-л-Ихлос Ҳасан аш-Шурунбулолий (р.х.) ўзининг "Дурар ал-ҳукком"га битган ҳошиясида ҳам айтиб ўтган (Абу-л-Ихлос Ҳасан аш-Шурунбулолий. Ғунйату зави-л-аҳком фий буғйати Дурар ал-ҳукком. – Истанбул: Саҳҳофия, 1317. – Б. 185).

Бинобарин, қарзда муддат белгилаш борасида рибо ҳақида гапириш керак эмас, балки, муддат белгилаш билан у лозим бўлиб қоладими ёки лозим бўлмайдими – ана шуни гапириш авлодир. Шунинг учун "Мухтасар ал-Виқоя"нинг бошқа шориҳлари қарзда муҳлат белгилашни рибога ўхшатиб ўтирмасдан, балки агар муддат белгиласа, у лозим бўладими ёки бўлмайдими, деган масалага эътибор қаратганлар.

### **Қарзда муҳлат белгиланса, ўша муддатга амал қилиш лозим бўладими?**

"Мухтасар ал-Виқоя"нинг: **ضرق لا ال ا ل ن ي د ل ك ل ي ج ا ت ح ص و** – "Ҳар бир "дайн"га муҳлат белгилаш дуруст, қарз бундан мустаснодир" иборасини шарҳлашда айрим шориҳлар рибо ҳақида гапирмасдан, муҳлат белгилашнинг ўзи жоизми, агар муҳлат белгиланса, қарз берувчи ўша белгиланган муддатгача қарзини талаб қила оладими ёки йўқми, ўша муддатдан олдин қарз олувчи қарзини қайтариб берса, нима бўлади, каби саволлар жавобини зикр қилиш йўлидан борганлар.



"Ҳар турли дайнни муддатлаш саҳиҳдир, магар, қарз бундан мустасно. Чунки, қарзни муддатлаш саҳиҳ бўлмайди. Зотан, қарз бериш вақтида муддатласа ёки кейинроқ шарт қилса ҳам муддат собит бўлмайди. Қарз берувчида ўша дамданоқ талаб қилиш ҳуқуқи бўлади" (Илёс ар-Румий. Шарҳи Мухтасар. Рубъи солис. – Ҳиндистон: Навол кишвар, 1319. – Б. 60).

Ҳанафий мазҳабининг бошқа фикҳий манбаларида ҳам қарз мавзуси атрофлича кўриб чиқилган. Уларда ҳам қарз бераётганда қарзни қайтариш муддатини белгилашни рибога ўхшатиш эмас.

Абу Бакр Алоуддин Косоний (р.ҳ.) "Бадойеъ ас-санойеъ"да қарз мавзуси (китоби)нинг муддат ҳақидаги бандида қуйидагича ёзади:

هه، نع ارجأتهم وادقعالاى فاطورشم ناكءاوس، ضرقلالى فمزلى ال لجال و  
نوي دلارئاس فالخب

"Қарзда бошқа дайнлардан фарқли ўлароқ муддат лозим бўлмайди. Муддат хоҳ олди-берди вақтида шарт қилинган бўлсин ёки ундан кейинроқ шарт қилинсин, бари бир" (Абу Бакр Алоуддин Косоний. Бадойеъ ас-санойеъ. 7-жилд. – Қоҳира: Жамолия, 1328. – Б. 396).

Шунингдек, Абу Бакр Косоний (р.ҳ.) бундан кейин қарзнинг дайндан икки жиҳатдан фарқи бор эканини қуйидагича изоҳлаган (Абу Бакр Алоуддин Косоний. Бадойеъ ас-санойеъ. 7-жилд. – Қоҳира: Жамолия, 1328. – Б. 396):

1- Қарз – қарз берувчидан табарруъ, фазл-эҳсон ўлароқ қабул қилинади. Агар, унда муддат белгилаш лозим, яъни, аҳамияти бор, деб олсак, шарт қилинган нарса аслидан ўзгайиб, қарзнинг табарруъ экани маъносиз бўлиб қолади. Чунки, холис яхшилик қилинаётган шахснинг зиммасига мажбурият тушиб қолади. Яъни, муддатга амал қилиш мажбурияти. Ваҳолонки, табарруъда мажбурият бўлмайди.

2- Қарз бериш шариатда қуйидаги икки хил ақддан бири ўлароқ қабул қилинади. Ё "орият ақди" ёки "мубодала ақди". "Мубодала ақди", бу – олди-сотди, айирбошлаш – демакдир. "Орият ақди" эса бу – бировга ниманидир вақтинча ишлатиб туришга вақтинча беришни айтилади. Масалан, қўшни болта сўраб чиқса, унга болтангизни ишлатиб туришига бериб турсангиз, шуни "орият ақди" дейилади.

Энди, қарз шу иккисидан бирига мансуб бўлмай иложи йўқ. Агар уни мубодала битимидан деб олсак, бу ҳолда қарз бир нарсанинг мислининг

эвазига насияга сотиш бўлади. Шариатда бундай савдодан қайтарилган. Демак, қарз олди-бердисини мубодаладан ҳисоблашга йўл йўқ. Энди, орият битимидан йўл қидириб кўрамиз. Қарз олди-бердиси орият битимига жуда мос келади. Чунки, ориятда бир нарсани олиб, ундан фойдаланиб бўлгач, эгасига айна ўзини қайтариб берилар эди. Қарз ҳам ана шу ориятга ўхшаш нарса. Қарз олувчи бировнинг нарсасини сўраб ишлатиб бўлгач, айна ўзини бўлмаса-да, олган нарсасининг мислини қайтариб беради. Мислини қайтариш айнаини қайтариш билан бир хилдир. Орият ақдида тайинланган муддатга амал қилиш мажбурияти нарсасини ориятан бериб турувчига юклатилмаганидек, нарсани ишлатиб олиш учун олганга ҳам тайинланган муддат имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи йўқ. Агар ориятда муддат лозим бўлганида эди, ориятга берувчи берган нарсасини тайинланган муддатгача сўрамасликка мажбур бўлар эди. Бинобарин, ориятга берувчи хоҳлаган вақтида муддатни бекор қилиб, берган нарсасини қайтариб олиши мумкин. Ориятга олувчининг зиммасига ҳам олган нарсасини қайтариб бериш олган вақтиданок вожиб бўлади. Эгаси сўраса ҳам, муддат келгунича қайтариб бермасдан ишлатиб туриши мумкин эмас. Бас, қарз ҳам худди орият кабидир. Шунга биноан қарз ақди орият лафзлари билан ҳам боғланаверади.

Масалани Ибн Нужайм Ҳанафий (р.х.) содда ва лўнда услубда ойдинлаштириб берган. У "Баҳр ур-роиқ"да: "Ҳар турли дайнни муддатлаш саҳиҳдир, магар, қарз бундан мустасно", деган матнни батафсил изоҳлаб, сўз охирида: "Қарз беришда муддат белгилаш саҳиҳдир. Бироқ, бу шарт қонуний кучга эга эмас", деб очиқ-ойдин айтган. Унинг хулосаси қуйидагича баён қилинган:

فرص لا يلدب وه و، ل طاب :ه ج و ا ة ة ا ل ث ي ل ع ن ي د ل ا ل ي ج ا ت ن ا ل ص ا ح ل ا و ل ي ج ا ت و ، ت و م ل ا د ع ب ن ي د ل ا و ض ر ق ل ا و ه و ، م ز ا ل ر ي غ ح ي ح ص و . م ل س ل ا و ك ل ذ ا د ع ا م ي ف م ز ا ل و ، ة ل ا ق ا ل ا د ع ب ع ي ب م ل ا ن م ت و ، ع ي ف ش ل ا

"Хуллас калом, "дайн"ни муддатлаш уч турга бўлинади. 1-"Ботил муддатлаш" у сарф ва салам байида бадални муддатлашдир. 2-"Саҳиҳ ғойри лозим муддатлаш". Буниси қарз, маййитнинг зиммасидаги дайн, шафиъ шуфъа ҳаққини муддатлаши ва иқоладан кейин сотиб олинган молнинг пулини қайтариб беришни муддатлашдир. 3- Булардан бошқаси "саҳиҳ лозим"дир" (Ибн Нужайм ал-Мисрий. Баҳр ар-роиқ. 6-жилд. - Қоҳира: Илмия, 1311. - Б. 133).

Ибн Нужайм (р.х.)нинг укаси бу сўзларни "Наҳр ул-фоиқ" асарида ҳам такрор зикр қилиб ўтган (Ибн Нужайм ал-Мисрий. Наҳр ул-фоиқ. 3-жузъ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2002).

Таниқли ҳанафий олимларидан Абу-с-Суъуд афанди (р.х.) Мулла Мискин (р.х.)нинг "Канз ад-дақоиқ"қа ёзган шарҳидаги қуйидаги гапни изоҳлаган:

وا ةمولعم ةدم ضارقالا دنع هلجا ول ىتح مزلي ال ىنعى حصي ال هلجأت ناف  
لجالا ىف هللاطى نا ول و لجالا تبثى ال هءعب

"Бас, уни (қарзни) муддатлаш саҳиҳ бўлмайди, яъни, лозим бўлмайди. Ҳатто, агар қарз берилаётган вақтда ёки ундан кейин муддат белгиланса, муддат собит бўлмайди, гарчи уни дарҳол талаб қилиш мумкин бўлса-да".

Абу-с-Суъуд афанди (р.х.) изоҳи қуйидагича:

ىف لىجأتللا ةحص مدع ىطعئ همال ك رهاظ نال فنصملا ىلع كروتلا ىللا هب راشأ  
رهنللا ىف امب باجى و مزال رىغ زئاج هناعم ةحصللا نم ىنثتسملا نا امل ضرقللا  
ىف لجالا موزل مدع هجواعطقنم ءانثتساللا نوكل و موزلللا ةحصللاب دارأ هناعم  
ضرقللا

("Ла йасихҳу"ни "Ла йалзаму" деб изоҳлагани) мусанниф зарарига ёнбошини қўйганига (яъни, муаллиф гапига қўшилмаганига) ишора қилинган. Чунки, унинг гапининг зоҳири қарзда муддат белгилашнинг саҳиҳ эмаслигини келтириб чиқаради. Чунки, саҳиҳликдан истисно қилинган. Шу билан бирга, у (муддат белгилаш) лозим бўлмайдиган жоиздир. Бунга "ан-Наҳр"да саҳиҳликдан лозим бўлишни ирода қилинган, деб жавоб берилган. Ёки қарзда муддат лозим бўлмайдиган, деб туриб, истиснони мунқатеъ, деса ҳам бўлади" (Абу-с-Суъуд ал-Мисрий ал-Ҳанафий. Ҳошияту Фатҳуллоҳилмуъин ѓала шарҳ ал-Канз ли-Мулла Мискин. 2-жилд. – Миср: Жамъия, (йили кўрсатилмаган). – Б. 598).

Муҳаққиқ ҳанафий олими Ибн Обидин ҳазратлари "Баҳр ур-роиқ"қа битган ҳошиясида, юқоридаги "Дайнни муддатлаш уч турга бўлинади. Ботил, саҳиҳ-у ғойри лозим ва саҳиҳ лозим", деган хулосасини шундай қайдлар билан изоҳлаган: "Бу ердаги "Ботил" сўзи "қилиниши жоиз эмас" деган маънода, "Саҳиҳ" сўзи эса, "қилиш жоиз бўлади" деган маънодадир, деганлар. (Муҳаммад Амин ибн Обидин. Минҳат ал-Холиқ ѓала ал-Баҳр ар-роиқ. 6-жилд. – Қоҳира: Илмия, 1311. – Б. 132).

Шунингдек, Ибн Обидин (р.х.) "Радд ул-муҳтор"нинг қарз мавзусида муддати белгиланган тақдирда ҳам аҳамиятсизлигича қоладиган олтита

дайн бор эканини айтиб, шулар қаторида қарз муддатини ҳам санаб ўтган. Ҳатто бу маънони назм шаклида битганини айтиб, манзумани келтириб ҳам қўйган (Ибн Обидин. Радд ал-мухтор ғала Дурр ал-мухтор. 7-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 385).

Абу Бакр Алоуддин Косоний (р.х.)нинг устози Алоуддин Муҳаммад Самарқандий (р.х.) машҳур "Тухфат ул-фуқаҳо" асарида "Сарф китоби", қарз ҳақидаги фаслда қуйидагича ёзади:

لثم ذخأ نأل، هيلع أرط وا لصألأى ف طرش، لطاب ضرقلأى ف لجألأ و  
لطاب وه و نيعلأى ف الضاف نوكئى ف، ضرقلأ نيعلك ضرقلأ

Муддат қарзда ботилдир (аҳамиятсиз), аслида шарт қилинган бўлсин ё битимга кейинроқ қўшилсин, барибир. Чунки, қарзнинг мислини олишлик унинг айна ўзини олишлик – демакдир. (Муддат шартининг қонуний кучга эга бўлиши) нақдда ортиқча фоизни келтириб чиқаради. Шундай экан, муддат шarti аҳамиятсиздир" (Алоуддин Муҳаммад Самарқандий. Тухфат ал-фуқаҳо // ал-Мактабат аш-Шомила. Исдор ас-солис, 2006. 3-жилд. – Б. 35).

Алоуддин Самарқандий (р.х.)нинг бу сўзларини унинг талабаси бўлмиш Аллома Косоний "Бадойеъ ус-санойеъ"да кенг ва тушунарли шарҳлаб қўйган изоҳларини юқорида келтириб ўтдик.

Яна бир фақиҳ юртдошимиз Бурҳонуддин ибн Мозза ал-Бухорий (р.х.) "Муҳит ал-Бурҳоний" китобида айна мавзудаги фаслда бундай деган:

ضرقلأى ف تبثئى ال لجألأ و

"Қарзда муддат собит бўлмайди" (Бурҳонуддин ибн Мозза ал-Бухорий. Муҳит ал-Бурҳоний // ал-Мактабат аш-Шомила. Исдор ас-солис, 2006. 14-жузъ. – Б. 219).

Ҳанафий мазҳабининг машҳур китобларидан "Фатавойи Ҳиндия (Оламгирия)"да эса бундай дейилади:

لأح لأم ل أو لطاب لجألأ ف ضرقلأ ذعب لئى جأت ل طرش وأ أل جؤم ضرقلأ ول

"Агар муддатлаб қарз берса ёки қарз бериб бўлгач, кейин муддатни шарт қилса, муддат ботилдир, мол ҳоллдир" (ал-Фатово ал-Ҳиндия ал-маъруфа би-л-Фатово ал-Оламгирия. 3-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 203).

Ҳанафий мазҳабининг яна бир фикҳий манбаси "ал-Ҳовий ал-қудсий"да ҳам юқоридаги иборалар такрорланган:

”برمزي ال و لطاب لجالاف ضرقلادع بهيف ليجأتللا طرش والجم ضررقتا ول و  
”لاح هلام و ني دللا“

"Агар белгиланган муддатга қарз берса, ёки унда қарз берганидан кейин муддатни шарт қилса, муҳлат бекордир: қарз эгасига (муддатга аҳамият бериш) лозим бўлмайди, мол эса дарҳол сўраладиган, бериладиган нарсадир" (Жамолиддин Аҳмад ал-Ғазнавий. Ал-Ҳовий ал-қудсий. 2-жилд. – Байрут: Дор ан-наводир, 2011. – Б. 61).

Яъни, қарзда муддатни белгилашнинг аҳамияти йўқ. Бадални қайтариш олган вақтидан бошлаб зиммага вожиб бўлади.

### **Нима қилмоқ керак?**

"ал-Ҳидоя"дан иқтибос олинган, юқорида келтирилган иборалардан маълум бўлмоқдаки, қарз олди-бердисининг икки жиҳати бор экан: қарз олди-берди бошланиши ва қарз-олди бердисининг тугалланиши. Унинг аввали бировга қилинган холис яхшилик экан, чунки, инсон бировга яхшилик қилишни хоҳласагина қарз беради, хоҳламаса, ўзининг иши. Бу ҳолатда ҳеч ким бировни қарз беришга мажбур қила олмайди. Охири эса насия савдога ўхшайди. Бироқ, шариат қарз олди-бердисининг охирини эътиборга олган эмас. Жумладан, "ал-Ҳидоя"нинг шарҳи "ал-Иноя"да бундай дейилган:

هزواج ىلع عماله و هىلا عرشلا بدن نكل ضرقلاداسف ىضتقى اذه و  
موزل ال هزواج انلق و اءاتب الال ىلع اندمتعا ف

"Бу (агар қарз олди-бердисининг охирини эътиборга оладиган бўлсак), қарзнинг фасод бўлишини тақозо қилиб қолади, лекин уни шариат мандуб ҳисоблаган ва уммат унинг жоизлигига ижмоъ қилган. Шунинг учун, қарз бошланишига суянамиз ва (муддат белгиланса ҳам) лозим бўлмасдан қарзни жоиз бўлади, деймиз" (Акмалуддин ал-Бобуртий. Шарҳ ал-Иноя ғала ал-Ҳидоя. 5-жилд. – Миср: Амирия, 1316. – Б. 273).

"ал-Ҳидоя"нинг энг эътиборли ва энг машҳур шарҳи ҳисобланган муҳаққиқ Ҳанафий олими Камолиддин ибн ал-Ҳумом (р.х.) қаламига мансуб "Фатҳ ал-қадир"да мабодо қарзда муддат белгиланса, нима бўлиши ҳақида қуйидагича фатво берилган:

حصي ك ل ا م د ن ع و ل ج ا ل ا ل ط ب و ض ر ق ل ا ح ص ض ر ق ل ا ا د ت ب ا ي ف ل ج ا ل ا ط ر ش و ل و ن و ي د ل ا ر ئ ا س ك ه ت م ذ ي ف ر ا ص ض ر ق ل ا ن ا ل ا ض ي ا

"Агар қарз бошланишида муддат шарт қилинса, қарз дуруст бўлади ва муҳлат бекор бўлади. Имом Молик (р.х.) фикрича, муҳлат ҳам дуруст бўлади. Чунки, (Имом Молик фикрича), қарз бошқа "дайн"лар каби унинг зиммасига лозим бўлиб қолади" (Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ал-қадир. 5-жилд. – Миср: Амирия, 1316. – Б. 273).

Ибн Обидин (р.х.) "Радд ал-муҳтор"да: "Қарзда муддат белгилаш лозим бўлмайди", деган гапни қуйидагича изоҳлаган:

ه ن ع و ج ر ل ا ض ر ق م ل ل ف م ز ا ل ر ي غ ه ن و ك ع م ه ل ج ا ب ح ص ي ه ن ا ي ا (ه ل ي ج ا ت م ز ل ي ا ل ف)

"Демак, муддат белгилаш лозим бўлмайди", яъни, муддат белгилашлари саҳиҳ бўлади, шу билан бирга лозим бўлмайди. Бас, қарз берувчига берилган муддатидан қайтиши жоиздир" (Ибн Обидин. Радд ал-муҳтор ʼала Дурр ал-муҳтор. 7-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 384).

Фикҳий манбаларда қарз олди-бердисида муҳлат белгиламаслик керак, дейилган бўлса-да, ушбу ноқулайликдан чиқиб кетишнинг ҳийла-и шаръийси ҳам ўргатиб кетилган:

1) "Фатҳ ал-қадир"да қуйидагича келтирилган:

ه ن و ي د ل ا ر ئ ا س ك ه ت م ذ ي ف ر ا ص ض ر ق ل ا ن ا ل ا ض ي ا (ه ل ي ج ا ت م ز ل ي ا ل ف)

"Қарз муддатини белгилашнинг лозим бўладиган ҳийласи қарз олувчи қарз берувчига ўзининг "даини" (қарзи)ни бошқасига ҳавола қилганини айтади. Шунда қарз берувчи унга ҳавола қилинган кимсага муддат белгилайди. Бас, шу вақтда муддатда қайтариш лозим бўлади" (Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ал-қадир. 5-жилд. – Миср: Амирия, 1316. – Б. 273).

2) "Табйин ал-ҳақоик"да қуйидагича келтирилган:



Энди савол туғилади, "ал-Ҳидоя"да айтилганидек васият ҳам ёки қарзда муддат белгилаш ҳақида ҳийла-и шаръий сифатида кўрсатиб келинган ҳавола ҳам табарруъ – холис яхшилик ҳисоблангани боис, нима учун қарзга васият қилинганда ёки ҳаволани қабул қилинганда, муддат белгилаш жоиз ва лозим бўлиб қолади? Чунки, бунда қарзнинг аввали худди васият ва ҳаволадаги каби табарруълик жиҳати эътиборга олинган, унда қарзнинг охири: муоваза – эваз алмаштириш эътиборга олинган эмас. Худди шунингдек, олган қарзини инкор қилган кимсага, қарзни қайтариб беришга мажбур қилиниб, унга қайтариш муддатини белгилаш кераклиги ҳақидаги масалага нима деб жавоб қилинади? Унда ҳам агар қарзнинг охири эътиборга олинмаган бўлса, муоваза – ишлатилган пул эвазига бошқасини қайтариб бериш муомаласи амалга оширилмоқда-ку! Демак, қарзда ҳамма вақт унинг аввалги жиҳати эътиборга олинади, шунинг учун қарз амалиёти шаръан жоиз, амалан мақбул ҳисобланиб келган. Қарзда муддат тайинланганда ҳам, қарзнинг табарруълиги эътиборга олиниб, қарз жоиз бўлаверади, фақат муддат лозим бўлмайди, холос.

## **Хулоса**

Юқоридаги манбаларни ўрганиб чиқар эканмиз, хулоса қилиб айтаемизки, қарзнинг бадалини тўлаш икки хил бўлади: ҳоллан ва муъажжалан. Яъни, қарз бериш вақтида муддат ҳақида гап бўлмаса, унинг бадали қарздорга ҳоллан вожиб бўлади. Бу дегани, қарз берувчи қачон хоҳласа, ҳақини талаб қилиши мумкин. Шунингдек, қарздорга ҳам қарз олган дамдаёқ зиммасига қарзни тўлаш вожиб бўлади – демакдир. Агар қарз бериш чоғида муддат таъйин қилинган бўлса, у ҳолда қарзнинг бадали муъажжалан вожиб бўлади. Яъни, белгиланган муддатга қадар қарз берувчи ҳақини талаб қила олмайди, қарздорга ҳам бадални қайтариш белгиланган вақтдан вожиб бўлади. Бу Имом Молик (р.ҳ.) мазҳабининг қароридир. У "қарз"ни "дайн"дан ажратмаганлар.

Жумҳур уламолар, яъни, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (р.ҳ.), Имом Шофеъий (р.ҳ.) ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.ҳ.) ҳамда уларнинг мазҳабидаги фақиҳлар наздида қарзнинг бадали ҳамиша ҳоллан вожиб бўлади. Хоҳ муддат шарт қилинган бўлсин, хоҳ шарт қилинмаган бўлсин, бунинг асло

аҳамияти йўқ.

Қарз олувчининг илтимосига биноан берилган муҳлат эса қарз берувчи томондан инсонийлик, яхшилик, ваъда ўлароқ қабул қилинади. Бунда ҳеч қандай гуноҳ ҳам, рибо ҳам йўқ. Буни ҳаром бўлган фоизли савдо билан аралаштириш хатодир. Зотан, қарз ақдида охириги ҳолат, яъни, унинг муоваза бўлиши уммат ижмоъси билан эътиборга олинмаган. Қарз берувчи ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, хоҳлаган вақтида ҳаққини талаб қилиши мумкин. Унинг бу иши гуноҳ ҳам, рибо ҳам эмас. Шунингдек, қарз олувчи қарзни олиши биланоқ бўйнига уни тезроқ адо қилиш вожиб бўлади. Муддатга қараб ўтирилмайди.

Қарз беришда: "Фалон куни қайтарасан" деб шарт қўйишлик фоизли насия савдодир, яъни рибодир, дейишдан олдин юқорида келтирилган шарҳларни тизимли равишда кўздан кечирилса, қарзда муддат белгилаш фақат мажбурият юкланмайдиган битим бўлади, бироқ, муддат белгилаш мумкин, деган хулосага келинади. Айниқса, "ал-Ҳидоя"нинг энг эътиборли шарҳини битган Камолиддин ибн ал-Ҳумом (р.х.) асари "Фатҳ ал-қадир"даги тақрирот, Ибн Нужайм ал-Мисрий (р.х.) қаламига мансуб "Баҳр ур-роиқ"даги гапи, Абу-с-Суъуд афанди (р.х.)нинг "Шарҳи Мискин"га битган хошиясидаги изоҳлари, Ибн Обидин (р.х.)нинг "Радд ул-муҳтор"даги манзумалари, шунингдек, Мавлоно Абдулҳай Лакнавий (р.х.)нинг "Ҳидоя"нинг хошиясида келтирган изоҳотлари масаланинг асл моҳиятини очиб беради.

Қарз олди-бердисида "Фалон куни қайтарасан" деб шарт қўйиш рибо – судхўрлик бўлади, деб ҳукм қилиш алалоқибат қарз беришнинг ижтимоий ҳаётдан бутунлай чиқиб кетишига олиб келади. Одамлар бир-бирларига ишонмай қўядилар, натижада қарз бермай қўядилар. Мусулмонлар садақадан ҳам афзал ҳисобланган қарз бериш савобидан маҳрум бўлиб қоладилар. Агар қарзга муддат белгиламасдан бериладиган бўлса, қарз олувчида масъулият ҳисси камайиб кетади ёки бутунлай бўлмай қолади. Натижада, қарз олган кимса ҳар хил баҳоналар билан қарзини адо қилишни орқага суриб юриверадилар. Бу эса қарз берувчиларга ниҳоятда катта ҳараж – машаққатни юклаб қўяди. Воқеан, бугунги даврда муддат белгиланган бўлса-да, ўша муддатда қарзини тўламаслик ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Қарз олди-бердисида "Фалон куни қайтарасан" деб шарт қўйиш рибо – судхўрлик бўлади, деб ҳукм қилишда ҳанафий мазҳабининг энг эътиборли фикҳий шарҳлари "ал-Ҳидоя" ҳамда "Шарҳ ал-Виқоя"даги, шунингдек,

"Жомеъ ар-румуз"даги ибораларни эътиборга олиб қараладиган бўлса, қарзда белгиланган муддатга амал қилиш вожиб, ўша муддат келмагунча қарз берувчи қарзини сўрай олмайди, қарз олувчи эса ўша муддат келмагунча олган қарзини қайтариб беришга мажбур эмас, қайтариш унга вожиб эмас, деган эътиқодда бўлиш жуда-жуда хатарли экани маълум бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарз олди-бердисида муддат белгиламаган маъқул, аммо, муддат ва муҳлат белгиласа бўлади, қарз бериш шаръан дуруст бўлади, бироқ, ўша муддат лозим бўлиб қолмайди, яъни, ўша белгиланган муддат келмаган тақдирда ҳам қарз берувчи берган қарзини талаб қилишга ҳақли, қарз олувчи эса талаб қилинган ондаёқ қарзни беришга мажбур, муддат келмади, деб қарзини бермасдан чўзиб юришга олган кимсаннинг ҳаққи йўқ, дейиш фикҳий жиҳатдан тўғрироқ бўлса керак.

Муддат белгиланган тақдирда қарз олувчилар ана шу муддатда қарзларини адо қилишга инсоф ва диёнат нуқтаи назаридан ҳаракат қилишлари лозим! Зотан, мўъмин-мусулмонлар аҳдига вафоли инсонлар бўлиб, уларнинг бундай бўлишларини имонлари тақозо қилади. Зотан, Аллоҳ таоло уларни бунга буюрган:

﴿لَللّٰهُ اَمْرٌ لِّمَنْ يَّعِزُّ دَرَجَةًۭ ۚ وَتَدْعٰۤى كُتُوۡبَۙ اِلٰى اَمْرِۙ اَلَّذِيۙ اُوۡضِقُنَّۙ نَتَۙ اَلْوَمۡۙ اَمۡۙ تَدَعَاۙ اِذَاۙ لَللّٰهُ دَعَابٌۭ اُوۡفُوۡاۙ وَ اَلَّذِيۙ اُوۡفُوۡاۙ اَمۡۙ تَدَعُوۡنَۙ اَمۡۙ لَعۡنَۙ اِلٰىۙ اَلَّذِيۙ اُوۡفُوۡاۙ اَمۡۙ تَدَعُوۡنَۙ﴾ {91}

"Аҳд-паймон берган вақтларингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Аллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни (Аллоҳ номини зикр этиш билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур" (Наҳл, 91).

دُوۡقُۙ لِّلۡاِبۡۙ اُوۡفُوۡاۙ وَ اَلَّذِيۙ اُوۡفُوۡاۙ اَمۡۙ تَدَعُوۡنَۙ اَمۡۙ لَعۡنَۙ اِلٰىۙ اَلَّذِيۙ اُوۡفُوۡاۙ اَمۡۙ تَدَعُوۡنَۙ

"Эй, имон келтирганлар! Битимларингизга вафо қилинглар!" (Моида, 1).

Имом Термизий (р.х.) ривоят қилишича, *نامي إله من دعاه لنسح* - "Аҳдга чиройли вафо қилиш имондандир".

إِذَاۙ اُوۡفُوۡاۙ وَ مَتَّۙ تَدَحۙ اِذَاۙ اُوۡقِدۙ صَاۙ : اِنَّۙ جَلۙ اَمۡۙ كَلۙ نَمۙ ضَاۙ مَكۙ سَفۙ نَاۙ نَمۙ اَتۙ سۙ يَلۙ اَوۙ نَمۙ ضَاۙ مَكۙ يَدۙ اُوۡفَاۙ اُوۡفَاۙ وَ مَكۙ رَاۙ صَبَاۙ اُوۡضَغۙ وَ مَكۙ جَوۙ رَفَاۙ وِظَفَاۙ حَاۙ وَ مَتۙ نَمۙ تَوَاۙ اِذَاۙ اُوۡدَاۙ وَ مَتۙ دَعَاۙ وَ

"Менга ўзларингиздаги олтита нарсага кафил бўлсангизлар, сизларнинг жаннатга киришингизга кафил бўламан: гапирсангиз тўғри сўзланглар,

ваъда қилсангизлар, вафо қилинглари, омонат қўйишса, уни адо қилинглари, жинсий аъзоларингизни ҳаромдан сақланглари, қўлларингизни зулмдан тортинглар!" (Ҳоким ривояти).

Қарзда муддат белгиланмайди! Ҳар бир мусулмон олган қарзини тез ора қайтаришга урунмоғи лозим! Қарз берувчи талаб қилган вақтда олувчи уни қайтаришга мажбур! Агар қарз олишда уни қайтариш муддати белгиланса, аҳдга вафо қилиш ҳақидаги мусулмонлик жиҳатини эътиборга олиб, қарзни ўз вақтида қайтаришга ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир!

Ҳикматуллоҳ Иброҳим,

Ҳамидуллоҳ Беруний